

“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Кувасой шаҳар Мактабгача таълим  
бўлими мудири:  
Э.О.Кўзиев  
“22” сентябрь 2022 йил

БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Кувасой шаҳри 8-давлат мактабгача таълим ташкилотига қуёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш (Қуёш панели – 3000 вт, АКБ – 800а/г, Инвентер - 6000Вт, Контроллер - 40А-1 дона, APT, ATTA лойиҳаси, топография ва геология ишлари ҳаражатлари билан бирга) (қиймати ҚҚС билан).**

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан **88 000 000 сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартномаимзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30%** микдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун шартномавий қийматининг **70%** доирасида амалга оширилади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Кувасой шаҳар мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: **Кувасой шаҳар МТБ га карашли 8-дмтт**

Эл.адрес [ya.azizxon@mail.ru](mailto:ya.azizxon@mail.ru)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харидкомиссияси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтинослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофзиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд

- эмаслиги ҳакида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўклиги тўғрисида кафолат хати
- Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган маҳсулот намунаси сифатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади
  - Танлаш иштирокчисининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органи ва хизмат кўрсатувчи банкдан олинган маълумотнома
  - Танлаш иштирокчисининг умумий фаолияти ҳакида маълумотнома
1. Низом маблағи миқдори.
- 3.1. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибига мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.2. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.2. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник кисмда, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
  - Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
  - Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.
- 4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаф этилади:
- Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади);
  - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
- факат битта таклиф бериши мумкин;
  - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигигатулик жавобгар бўлади;
  - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарориасосида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқијилиги ва түғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисигатеши тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади


 "ТАСДИКЛАЙМАН"  
 Кувасой шаҳар Мактабгача таълим  
 бўлими мудири:  
 Э.О.Кўзиев  
 "22" сентябрь 2022 йил

Кувасой шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги №8-ДМТГа кўёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Ишлар номи	№8-ДМТГа кўёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш <b>Кўёш панели – 3000 вт, АКБ – 800а/х, Инвентер - 6000Вт, Контроллер - 40А-1 дона</b>
2	Буортмачи	Кувасой шаҳар Мактабгача таълим бўлими
3	Қабул қилувчи жойлашган манзили	Кувасой шаҳар А.Азизов кўчаси 235 а уй
4	Қатнашувчилар учун талаблар	Товар, иш ва хизматларни қиска муддатларда етказиб бериш ва ўз вақтида буортмачига топшириш
5	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	Ташкилот низоми, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, соликдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида, ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида, ходимлари тўғрисида маълумотларни тақдим қилиши шарт
6	Етказиб берилган махсулотлар ёки хизматлар учун ҳисоб-китоб	Етказиб берилган товар, иш ва хизматлар бўйича тақдим қилинган ҳисоб фактурага мос ҳолда тўланади
7	Ишларни бажари муддати	Шартнома имзоланиб товар, иш ва хизматлар учун олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 10 кун муддат ичida бажариш
8	Техника ҳавфсизлиги бўйича талаблар	Товар, иш ва хизматларни етказиб бериш ва бажариш вақтида техника ҳавфсизлиги коидаларига тўлик риоя қилиш шарт
9	Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан
10	Бажарилган ишлар қиймати	88 000 000,0 (саксон саккиз миллион сўм)